

ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИНИНГ ПОПУЛЯЦИЯСИ

Х. С. Тўрақулов

Б. Х. Чиниқулов

Т. А. Бозоров

М. Мардонова

С. Исақулов

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

АННОТАЦИЯ

Буғдой сариқ занг касаллигининг Республикамиз турли худудларида тарқалган намуналаридан изолятлар тўпланиб уларнинг ирқлари таркиби ўрганилди. Баҳолаш ишларига кўра, Олинган натижаларга кўра, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан 203E231, Тошкент вилояти Чиноз туманидан 199E223, Зангиота туманидан 199E218, Янгийўл туманидан 207E238, Бекобод туманидан 239E242, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан 207E217, Қашқадарё вилояти Китоб туманидан 231E223, Сурхондарё вилояти Денов туманидан 235E239, Олтинсой туманида 195E216 ирқлари аниқланди. Ушбу ирқларнинг умумий вирулентлик даражалари бир бирига яқинлиги, Республика сариқ занг популяциялари орасида катта фарқ йўқлиги ва хилма хиллик даражаси нисбатан паст эканлиги кузатилди

Калит сўзлар: Буғдой, касаллик, сариқ занг, изолят, ирқ, чидамли, чидамсиз, вирулент, авирулент, ген, инокуляция.

WHEAT YELLOW RUST POPULATION IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

Isolates were collected from samples of wheat rust cultivating in different regions of the country and their race composition was studied. According to the results of the experiments, 203E231 from Uchkuprik district of Fergana region, 199E223 from Chinaz district of Tashkent region, 199E218 from Zangiota district, 207E238 from Yangiyul district, 239E242 from Bekabad district, 207E217 from Gallaorol district of Jizzakh region, 231E223 from Kitab district of Kashkadarya region, 235E239 from Denov district of Surkhandarya region, 195E216 races were identified in Altynsay district of Kashkadarya district. It was observed that the general virulence levels of these races were close to each other, there was no significant difference between the yellow rust populations of the Republic, and the level of diversity was relatively low.